

Аёлларнинг юзларини ёпиб юришлари Имоми Аъзам мазҳабида

14:56 / 26.04.2016 3566

Аёлларнинг юзларини ёпиб юришлари Имоми Аъзам мазҳабида йўқ, балки Моликия мазҳабида бор дейишди. Айтингчи, аёл киши кўча-куйда юзини ёпиб юрса мазҳабдан чиқадими ва уйда эканлигида бегона эркаклар келиб қолса юзини ёпиш керакми?

"Аёл киши кўчада ёки номаҳрам эркакларнинг ҳузурида юзини ёпиши Моликия мазҳабида бор дейишган" деган гап нотўғри. Моликия мазҳабида ҳам, Имоми Аъзамнинг мазҳабларида ҳам, Шофеийнинг мазҳабида ҳам, Ханбалийнинг мазҳабида ҳам аёл кишига пардоз-андоз қилмасдан юзини рухсат берилган шаклда кўчада очиб юришга рухсат берилган. Лекин бу деган "юзини беркитса гуноҳкор бўлади" деган эмас, бу фатво тарафи, тақво тарафида юзини беркитса ўзининг иши. Юзини беркитмаслик бу қоида қилиб қўйилмаган, ким юзини беркитса кўчага чиққанда ёки номаҳрам эркакнинг ҳузурида гуноҳкор бўлади деган ҳукм йўқ. Тақво қиламан деган одам, ўзини эҳтиёт қилмоқчи бўлган аёл юзини беркитса ўзининг хоши. Лекин намозда албатта очиб ўқиш керак, ана шу ери бор. Ва эҳромда алоҳида ўзини демак кўрсатмалари бор шу. Демак у ерда мазҳабдан чиқди ёки бошқа деган гап бўлмайди, балки тақво тарафини тутган бўлади, ўзини ихтиёрида.